

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИКИШИ.
№ 99 (4305).
19 МАЙ
ЧОРШАНБА
1971 ЙИЛ
Баҳоси 2 тийин.

Оққўрғон районидagi «Москва» колхозидa гўзага ишлов бериш ҳар томонлама уюшқонлик билан олиб бoрилмоқда. Гўзаларни култивация қилишда бириқла минерал ўғитлар ҳам солинмоқда. Айниқса, бу соҳада Мамат Номозов бошлиқ звено аъзолари намуна кўрсатиб ишлайотиб. Суратда: М. Номозов звеносида гўзага ишлов бериш пайти.



А. Абалин фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ ГЎЗА ШОНАЛАШ АРАФАСИДА

Қиш ичи кўкамга пухта ҳозирлик кўрдик. Техника ремонтни пухта ўтказдик. Тажриба тариқсида 15 мартдаёқ 10 гектарлик майдонга чигит эдик. Баъзи кишилар бу қандай бўларкин, дейишди. Ўшарларимиз етилиши билан иш яна ҳам кучайиб кетди. Селлашлар, тракторчилар вақт билан ҳисоблашмадилар. Колхозчилар уруғ ташланган майдоннинг кетларига ариқ олиб, уларга ҳам чигит эки бошладилар. Барча майдонларга уруғ билан бирга гербицид ҳам сешилди. Ер кучига қараб, уруғ билан бир вақтинчи ўзига ҳар гектарига 150—200 килограммдан селлаша солинди.

Эрта экиб ютирмадик. Ёмғирдан кейинги қатқалоққа қарши қатор оралари юмшатилади. Натижада 25 апрелдаёқ барча майдонларда чигит бир текисда ундириб олинди. Орадан тўрт кун ўтди. Экин майдонларининг ҳаммасига дастлабки ишлов бериш таъмом бўлди. Ғалаба кун арасида — 7 майда иккинчи марта ишлов беришни ҳам тугалладик.

Эндиликда барча куч ва эътиборни 20 майдан кечикмай гўзаларни учинчи марта комплекс парваришдан чиқаришга қаратилган. Гўзаларимиз яннадан кейин яна гурираб кетди, бўйига-буйи қўшилди. 5—6 тадан чинабар чиқарган гўза анчагина майдон ташкил қилди. Яхши парвариш тўғрисида тез ривожланиб катта гўзалар ҳар 3—4 кунда биттадан чинабар чиқармоқда. Дегуна ўтлар, гўза зараркунадаларига қарши курашни ҳам кучайтириб бормоқда.

КПСС XXIV съезди қарорларини ижодлик билан амалга ошириш учун курашмоқда колхозчиларимиз ҳар бир ишни апрохона талоабларига мувофиқ амалга оширмоқдалар. Бу эса қўндалангиз яхши самаралар бермоқда. Бунга гўзаларни қалб ҳарорати билан парвариш қилиб тезда ёлпасига шоналанишга эришамиз. Шонани гулга, гулни эса қўсқанга айланишни тездаштириб, 25 августга қадар гўзаларнинг қийос оқинишни таъминлаймиз.

Юсуфжон ТОЛИПОВ, Янгйўл районидagi «Ленин» колхозининг раиси.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи сайлов округларида депутатликка номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

Тошкент округ сайлов комиссияларида қуйидагилар рўйхатга олинди: 19-Иданов сайлов округидан 159-қўрилиш трестининг бошлиғи Тулаган Набиев, 26-Собир Раҳимов сайлов округидан «Миконд» заводининг ишчиси Зарифа Қосимовна Файзиева, 32-Чоптепа сайлов округидан «Ўзбекистон» сунъий ва натурал чарм ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратурчиси Зоя Васильевна Захарченко.

Тошкент областида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб: 64-Ленин сайлов округидан Ўзбек

кистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Иван Георгиевич Анисимкин, 86-Юнусов сайлов округидан Калинин районидagi «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозининг сўт соғувчиси Мунаввар Исоқов, 72-Олмалик сайлов округидан Оққўрғон районидagi «Ленин» колхозининг бригада бошлиғи Пулат Тошхўжаев ўртоқлар рўйхатга олинди.

МУДОФАА-ОММАВИЙ ИШЛАР-КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗСИН

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИГИЛИШИДА

Социалистик ватан қудратини ошириш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш ҳар бир совет кишининг муқаддас бурчидир. 18 май кунин Тошкентда бўлиб ўтган республика партия ташкилотлари активининг йиғилиши аниқ шу жўшариш алоқадор бир қанча ақтуал масалаларга бағишланди. Йиғилишда област, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, област ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, област, шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, област касаба союзулари советларининг раислари, министрликлар ва идораларнинг, ДОСААФ комитетларининг, ҳарбий комиссариатларининг, граждaн мудофааси штабларининг, физкультура ва спорт комитетларининг, «Билим» жамияти област правленкеларининг, олий ва ўрта махсус укув юрталари бир қанча кафедраларининг раҳбарлари, Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий Округи командирлари ҳамда сўғий ходимлари, маъбуот, радио ва телевидение ходимлари, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбар ходимлари катнашдилар.

Йиғилишнинг КПСС Марказий Комитети Сўғий Бюроси аъзоси, Ғафуров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб оиди.

КПСС XXIV съезди қарорларини асосида мудофаа-оммавий ишни кучайтириш ва меҳнаткашларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни яхшилаш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов доклад қилди.

Докладдан ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар мудофаа-оммавий ишнинг ва меҳнаткашларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ахлоқий асосларини таъминлаш эъти, кейинги вақтларда бу соҳада қўл иш қилинганлигини

айтиб бердилар. Ўзбекистон йил сайини афғон сафига саводди, сўғий этук, жисмоний чиниққан йиғиларини юбормоқда. Республикада партия ташкилотлари раҳбарлигида меҳнаткашларини, айниқса, ёшларни совет халқининг революцион, жангловар ва меҳнат афғонлари руҳида тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бoрилмоқда. Қўнғина шаҳар ва қишлоқларда улуғ ватан уруши даврида ҳалок бўлганлар шарафига ҳайкаллар ва обидалар қўйилди, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан шуғулланадиган улаб халқ университетлари ва лекторийлар ишлаб турибди. Ёшларнинг совет халқи қаҳрамонона ишжолларини жойларига юриш, ҳарбийлаштирилган ўйинлар, армияга тақдирлиш ёшдагиларнинг спартакиадалари ва слетлари, ҳарбий хизматга жўнаб кетаётган ёшларни тантанали узатиб қўйиш ва армия сафидан бўшаб келаётган кишиларни қўтиб олиш одад тусига кириб қолди.

Кейинги вақтларда армия, авиация ва флотга қўмаклашувчи кўнғили жамият республика ташкилотининг фаолияти бурмуца активлашди, унинг сафари киришга, моддий базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, мудофаа-оммавий ишнинг ва меҳнаткашларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг савияси ўсиб бoраётган талабларга ҳали тўлиқ мос келмаётганлигини йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Айрим ходимлар умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонунни бажариш учун, ёшларни гоёяни чиниқтириш, уларга интизомлилик, юксак бурчи туйғусини сезиш сингари фаилатларини сингирдиш учун тўла масъулиятни ҳис қилмаётдилар. Маъбуот, кино, театрлар ҳамда бошқа идеология муассасалари ва ижодий союзуларининг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси соҳасидаги бутун бой имкониятлари ҳали ишга солинганми йўқ. Меҳнаткашлар коллективлари билан ҳарбий қисмларнинг оталик алоқалари кенгроқ ривожлантирилиши керак.

Мудофаа-оммавий иш ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси партия комитетлари олиб бoраётган бутун

ташкilotчилик ва идеология фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб қилини лозимлиги йиғилиш минбаридан таъкидланди. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, комсомол, касаба союзулари бу ишга кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Йиғилишда Самарқанд област партия комитетининг иккинчи секретари И. К. Литков, Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондони, генерал-полковник С. Е. Белогожко, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окуцкий, республика ҳарбий комиссари К. Каримов, «Ташкенткабель» заводининг директори Х. Р. Алимов, Андижон област Ижроия Комитети раисининг ўринбосари В. И. Поветко, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг секретари Р. Р. Алимов, Тошкент қишлоқ хўжалик институт партия комитетининг секретари Х. А. Зиёвуддинова, Ўзбекистон ССР Маориф министри С. Шермухамедов, ДОСААФ республика Комитетининг раиси А. М. Қосимов, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори А. Исмоилов, Бухоро шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари П. Д. Арсентьев, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Н. М. Махмудова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси Э. А. Алимов, Ўзбекистон ССР граждaн мудофааси штабининг бошлиғи В. И. Ульяхов, Сурхондарё област партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Кузьмин, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. И. Другов сўзга чиқдилар.

Қабул қилинган резолюцияда йиғилиш республика партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари, ҳарбий, мудофаа-оммавий ва бошқа ташкилотлари, министрликлари ва идоралари, барча коммунистлари ва меҳнаткашларини КПСС XXIV съездининг маиланг мувофақ қудратини янада мустаҳкамлашга, мудофаа-оммавий ишни кучайтиришга ва меҳнаткашларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган қарорларини муваффақиятлик бажариш учун ҳамма ишларни қиладилар, деб ишонч билдирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, А. Д. Басачинов, Т. Н. Остров, Н. М. Матчинов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Махмудов, С. Р. Рахмолов, СССР ДОСААФ Марказий Комитети раисининг ўринбосари С. И. Грачев катнашдилар.

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш давом этмоқда.

Тошкент областидаги сайлов олдиди йиғилишларида республика Олий Совети депутатлигига қўйиладиган номзодлар кўрсатилди: 88-Киров сайлов округидан Калинин район партия

комитетининг биринчи секретари Маҳкам Камолов, 83-Янгйўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР Маориф министри Саид Шермухамедов, 31-Байтўрғон сайлов округидан, Оржоникидзе районидagi «Химик» совхозининг сўт соғувчиси Раиса Ивановна Никитина,

комитетининг биринчи секретари Маҳкам Камолов, 83-Янгйўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР Маориф министри Саид Шермухамедов, 31-Байтўрғон сайлов округидан, Оржоникидзе районидagi «Химик» совхозининг сўт соғувчиси Раиса Ивановна Никитина,

ПАРТИЯ ВА ХУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ТЕХНИКАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИЛАР

Партия ва ҳукумат раҳбарлари: Л. Н. Брежнев, В. В. Гринин, А. П. Киряленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кузнецов, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Сулов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капотов, К. Ф. Катусhev, Б. Н. Пономарев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Л. В. Смирнов 1971 йил 17 майда «Внуково» аэропортида реактив граждaн самолётлари ва вертолётларининг янги нусхаларини кўздан кечирдилар.

Товушдан тез учадиган «ТУ-144» пассажир самолёти, «ТУ-154» ўртача магистрал самолёти, «ИЛ-76» транспорт самолёти ва модификация қилинган самолётлар — узоқ масофата

учадиган «ИЛ-62 М» магистрал самолёти, янги масофата учадиган «ТУ-134 А» магистрал самолёти ва маҳаллий ҳаво йўлларида учадиган «ЯК-40» самолёти кўрсатилди.

Юк кўтариши жиҳатидан дунёда энг катта «В-12» транспорт вертолётини билан модификация қилинган «В-8» пассажир вертолётини ҳам кўрсатилди.

Авиация саноти министри ўртоқ П. В. Деметев, граждaн авиациясини министри ўртоқ Б. Н. Бугаев, самолётлар, вертолётлар ва двигателларнинг бош ҳамда етакчи конструкторлари, жумладан, А. Н. Туполев, А. А. Туполев, А. С. Яковлев, Г. В. Новожилов, М. Н. Тшченко, Н. Д. Кузнецов ва П. А. Соловьев ўртоқлар изоҳ бериб турдилар.

Самолёт ва вертолётларни кўздан кечирш вақтида СССР

министрларидан А. А. Гречко, С. А. Зверев ва В. Д. Калмиков ўртоқлар ҳозир бўдилар.

Янги техника кўздан кечирилганда кейин бўлиб ўтган суҳбат вақтида Б. Н. Бугаев, П. В. Деметев, Л. В. Смирнов ўртоқлар совет граждaн авиациясини ривожлантириш истиқболларини партия, ҳукумат раҳбарларига таъкид бoрдилар.

Суҳбат охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежнев янги авиация техникасини яратиш ва ўзлаштириш соҳасида қилинган ишлар учун авиация саноти ва граждaн авиациясини ходимларига миннатдорчилик билдирди ҳамда КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларини рўйга чиқаришда уларга янги-янги муваффақиятлар тилади.

КАНАДА БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Канада бош министри Пьер Элиот Тридо Совет Ҳукумати-нинг тақлифига биноан 17 май кунин расмий визит билан Москвага келди. У билан бирга парламент аъзолари Барнет Ж. Дансон, доктор Стенли Хайдаш, Уолтер Дикон, Ташик ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. Е. Ритчи, сановат ва савдо министрининг ўринбосари Ж. Х. Уоррен ва бошқа кишилар ҳам келдилар.

Канада ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонни А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский ва бошқа расмий кишилар қўтиб олдилар.

Канада ҳукуматининг бошчилиги Москва меҳнаткашларининг вакиллари қўтиб олди.

Канада Бош министри Пьер

Элиот Тридо билан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Москва гарнизонини қўшинлари фахрий қорувул сафини айланиб чиқдилар. СССР ва Канада давлат гимнлари ижро этилди.

Бош министр ўтган кўча, майдонлар Канада ва СССР-нинг давлат байроқлари билан, Совет—Канада дўстлиги шарафига таъриқ сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

(ТАСС).



М. Нуритдинов фотоси.

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводи ишчиси, КПСС XXIV съезди делегати ўртоқ Б. Ефремов шу кунлар да вахтада туриб ишлаб, нормани бир ярим бaравар ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда.

таълимнинг виждондорлар. Негу-
ни дийда Совет Социалистлар Рес-
убликалари Иттифоқининг 50
йиллик виждонланди. СССР бар-
о булганлиг дэвлэтиниз тарихи
дэйнэтинг сийси аҳамияти ва
олиятлисисий оқибатлари ки-
билэн китлоб уртасидэйнэтинг
дэйнэтинг кенгайтирилэш
бердэм берувчи савдо, маҳсулэ-
тайилэш ва ишлаб чикарни фэ-
дэтининг тақомалаштириш мў-
жалдэмюмюда.

Чикма дэвлэтининг дэйнэ-

[illegible]

Ҷиддийлик билан қарашли ҳақдорларнинг муноса-
батда бўлишини, шахсининг сотилад
активлигини ва умумий мақсадни
қўзғаб йиллашнинг белгилари беради.
Шунинг билан қўзғаб йиллашнинг му-
ҳим таъсирлари меҳнат қилиши,
мийат манфаатини қўзғаб бўлибдур
меҳнат қилиш мумкин эмас. Мау-
шундай дунёқараиш негизда бу

II бўлим, 1, 2, 4 параграфлар, III
бўлим.

A. Н. КОСГИН. СССР халқ
хўжалигининг ривожлантиришнинг
1975 йилгача бўлган режаси-
тагани белгилади. Шунинг билан
дан КПСС XXIV съездининг қаро-
рентнавалари. I, II, IV, V бўлими-
лар.

Иттифоқи Коммунистик партияси
нинг XXIV съездида сузланган
путқ.

таълимий нишонланган, елгу-
лигида Совет Социалистик Ре-
спубликалари Иттифодининг 50
миллион нишонланади. СССР ба-
ра бар бўлган давлатимиз тар-
қиди Ғанинг сийси аҳади ята
ошадиганлиги, ошадиган ми-
лион қилшди уртасидан итисо-
дий алоқаларини кенгайтиришга
ердам берувчи савдо, маҳсулот
тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фао-
лиятини тақомиллаштириш мўл-
жалланмоқда.

[illegible]

Иттифоқи Коммунистик партияси
нинг XXIV съездида сузланган
путқ.

...о бўлганлиги давлатимиз тари-
қида ўзининг сиёсий аҳамияти ва
иқтисодий оқибатлари жи-

Баллаш чакрларининг йанги...

ли мақсидий кузлаб, босқичма-
осқич қатъий равишда мўлжал-
лаб иш олиб боришни талаб қи-
лаётган шартларда, асосий мақсад

ундай дунёқараш негизда ву-

и КПСС XXIV съездининг ди-
ктивалари. I, II, IV, V бўлим-
р.

(Давомн бор).

ТАДБИРКОР

Дадасининг авайини кўрган Баҳром бугун ҳар галгайдек юзюри бориб, бунинга осилиб, эриланнига жазм қилмади.

— Хорини кўришасиз дадаси, тинчликми? — Шухратой опа юмшон оҳангда сўради.

— Эрталабдан бери қишлоқ-ма-қишлоқ юравериб оёдан юрдим, — деди Иброҳим ака. — Кўчалар кўришсиз, дам олишга арзулилик бун кўб йўл. Қишлоқ чеккаларига жойлашган хонадонларга сув, чироқ кириб бормаган. Посёлка Советининг раиси қилиб сайланди-ку, ўзим хайронман: аялай олармикин?

— Албатта эйлабсиз, — жавоб қилди Шухратой. — Олий юридик маълумотингиз бор. Техникумда дарс бергасиз. Беш йилдан бери посёлка Советининг раисига мувофиқ қилиб келдингиз. Шулари эллага менимча оқсоқолликни ҳам ўрнига қўйсиз. Авваломбор, сизни халқ сайлади. Иккиланмасдан ишга киришиб, уларнинг ишончини оқлашингиз керак.

Эртаси посёлка Советининг биринчи йиллигини бўлиб ўтди. Иброҳим ака мажлиста корхона ва қурилиш ташкилотлари, қол-қол ва соҳоват раҳбарларини ташкиф этди. Қишлоқларни обод ва кўркам этишга қаратилган масалалар кўриб чиқилди. Богдорчилик-узумчилик соҳасининг директори Н. Юрков, қурилиш материаллари босармасининг директори П. Истомина, автобаз директори Нагиев ўртоқлар сўзга яқиниб, кўча-кўчаларда олиб бориладиган ободончилик ишларига яқиндан ёрдам бераётганларини айтишди.

Орадан бир йил ўтди. Қишлоқлар ғибаси секин-аста ўзгариб кўркамлаша борди. Ҳамма, Киров, Гоголь номи кўчаларга асфальт ётқизилди. 370 ўринли клуб қурилиши бошлаб юборилди. Богдорчилик, узумчилик соҳасининг 3-бўлимида

мактаб биносига асос солинди. Янгийўл районидан автобаз коллективининг кучи билан Кўрғулдак кўриги ремонт қилинди. Марказда жойлашган бозорга девор олинди, маҳалларда кўлаб чойхоналар, озиқ-овқат ва саноат магазинлари ишга туширилди.

Барча ишларни амалга оширишда Иброҳим ака бошлиқ посёлка Советининг жонқуяр депутатлари бошқош бўлиб туришди.

Сайловчиларнинг депутатларга бўлган ҳурмати, ишончи ортди. Улар посёлка Советига янги талаблар, айтимслар билан келадиган бўлишди.

лик қилиши учун алоҳида ҳона ажратилди. Қизил ахон, газета ва журналлар билан жинжаланди. Деворга депутатлар рўйхати осиб қўйилди. Иброҳим ака атайлаб шаҳар китоб мағазинидан меҳнат ва граждандлик қонунига оид қўлланмаларни, маҳаллий Советларга сайловларга оид нозомларни сотиб олди. Қонатга радио ўрнатилди, шахмат ва шашка қўйилди. Эндиликда ишчан депутатлар навбат билан бу хонада меҳнатнашларини қабул қилишмоқда.

СССР Олий Совети Президиумининг «Граждандарнинг тақдирларини, ариза ва шикоятларини қўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги фармони посёлка Совети депутатларининг асосий дастури. Посёлка Совети тушган ҳар бир хат ва ариза депутатлар томонидан атрофдаги кўриб чиқилмоқда. Почта орқали олинган хатлар аса рўйхатдан ўтказилиб, беш кун ичида тегишли ташкилотларга юборилади.

Яқинда посёлка Советига бир шикоят тушди. Унда марказдаги айрим савдо тармоқларида кўли эгри сотувчилар ҳам борлиги, улар харидорларнинг кўнглини ражикатга олиб айтилган. Иброҳим ака бу шикоятни текшириш мақсадида алоҳида комиссия тузди. Посёлка Советидан савдо ва умумий оғдатлаш комиссиясининг раиси Р. Эгамбердиев, аъзолари И. Юсупов, Н. Дюкова, милиция ходими И. Мамадуловлар бу комиссияга киришди. Бир ҳафта мобайнида озиқ-овқат мағазини, ошхоналар синчиклаб текширилди. 26-май

газавда айрим савдо ходимлари томонидан спиртли ичимликлар усига нарх қўйилиб сотилётгани аниқланди. 9-майда ҳам айрим камчиллар маъжуд экан. Текшириш натижалари посёлка Советининг иккуня комитетига муҳомада қилинди. Қўли эгри савдо ходимларига нисбатан тегишли чоралар қўрилди.

Посёлка Советида ободончилик ишларини олиб боришда Иброҳим ака билан ҳамкорликда 123 депутат ҳорай-томай меҳнат қилмоқда. Коммунист депутатлардан Самад Қурбонов, Карим Муродов, Х. Абдураманов, Эргаш Султонхўжаев каби депутатлар хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Шу кунлари посёлка Советида бўлган киши ўзини қурилиш майдонига юргандек ҳис қилди. Қишлоқларда бўёқдорлик ишлари лавозим сурталар билан олиб боришмоқда. 50 ҳўжаликка мўлжалланган туғар-жой бинолари қад кўтармоқда. Аҳолига маъий-хизмат кўрсатиш комбинати, 400 ўринли кенг оқридан кинотеатр, гишт заводи бунёд этилмоқда.

— Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар кунин тобора яқинлашмоқда, — деди Иброҳим ака Раймжонов. — Шу кунга биз пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз. Сайловдолик ағитига ва пуллагада ишлари аяқ олдириб юборилди. Бу йили сайловлар қишлоқ меҳнаткашлар томонидан КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини амалга ошираётган бир пайтда ўтмоқда. Ишчан ва жонқуяр депутатларимиз бу муҳим наминани намунали ўтказишда қўлаб тадбирларини амалга оширмоқдалар.

И. ЮСУПОВ,

Янгийўл район, Олмазор посёлка Совети.

Ҳар кун кўрт уруғидан 80—85 килограмдан пилла етиштиришга аҳд қилган Оржоникиде районидаги Киров номи колхоз пиллачилари гайрат билан меҳнат қилишяпти. Шарифа Хайдарова, Шарифа Саидабаровалар ана шундай моҳир «кумуш тола» якорларидан ҳисобланадилар. Суратда: Ш. Хайдарова ва Ш. Саидабарова.

Ф. Абдураманов фотоси.



Мўл ҳосил учун

Ақмал Икромов номли колхоз пахтакорлари КПСС XXIV съезди материалларини кўриб билан ўқиб ўрганмоқдалар.

Беш йилликнинг дастлабки йили улар съезд қарорларидан руҳланиб 1010 гектар майдонга баракка уруғ қалашди. Ойа-Ватига гектардан 30 центнердан жами 3030 тонна «оқ олтин» етиштириб беришга қарор қилишди.

Механизаторлар Аҳмад Турдубоев, Сафарали Соатов, Маҳмад Рисбоев, Жуман Абдулов, Қудрат Сатторов ўртоқлар бошчилик қилаётган эвеноларда ҳозир чигит бир текис ундириб олинди.

Ўтган ҳўжалик йилида гектардан 37 центнердан хирмон кўтарган ўртоқ Қудрат Сатторов бошчи эвено аъзолари бу йил 40 центнерлик марраини қўлашяпти. Эвенода 4 иш кунда экилган чигит тўла ундирилди.

Абдураманов, Ёнмун Турдубоев, Ғулум Бегалиев ўр-

тоқлар бошчилик қилаётган эвеноларда сўғориш шохобчаларини тартибга келтириш ҳисобига 5—10 гектар ер пахтазорга айлантирилди.

— Тупроқнинг шираси кам бўлгани сабабли, — дейди колхоз раиси Холтурсын Пулатов, — сўғориш фақат чийи шилатиб ўтказилди. Ёлмасга сув тўроқни ювиб, ўйиб келди. Ҳар йили шунанга пайтда эвеноларга йил охиригача етадиган чийин кирдан ташиб оламиз. Ҳозир бу ишда 250 колхозчи 22 та прицеп ва 2 та автомашина банд.

Янгидан ташкил топганига икки йил бўлганига қарамай ҳўжаликда ҳосилдорликни оширишда қувончли натижаларга эришилди. Колхоз аъзолари тўғрисида беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар қачондаги мўл «оқ олтин» ҳосили олиш учун меҳнат қилмоқдалар.

Т. ИҶДОШЕВ, Ўрта Чирчиқ райони.

ПАРРАНДАЧИЛАР ЮТУҒИ

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ИЛЬИЧ НОМИ КОЛХОЗ паррандоборлари давлатга тухум сотиш йиллик лавини аяча ошириб бажаришди.

Бу йил давлатга 15 минг донна тухум сотиш пландаштирилган бўлса, ҳозиргача 23 минг донна тухум топширилди. Паррандоборлар ўз имкониятларини ҳиссалаб чиқиб, йил охиригача 10 минг доннадан ортқ тухум топшириш мажбуриятини олдидлар.

Бу ютуқларни қўлга киритишда пешқадам паррандобор Зулхайо Сатторованинг хизмати катта бўлмоқда. Паррандоборлар йилда гайрат билан ишлаб янги мажбуриятни шараф билан адо этиш учун ҳаранат қилмоқдалар.

Т. ЖҲАЕВ.

УМР ДАФТАРИ

1931 йил, Ўзбекистонда дастлабки индустриал даври. Республиканида маҳаллий ишчи кадрларга савоитни ривожлантириш бўлими асас эди.

Комсомол елкасимиз ўзининг актив аъзоларини саноат корхоналарига бўлиб юборишга қарор қилди. Мени ҳозир «Ташсөлмаш» заводига йнга юборишди. Тўғриси нинга эмас, ўрнига, ҳунар ўрганишга юборишди.

Мен мастер Комитетини Иза нович Криченокга шогирд тутидим. У заводда тақрибани, қўли гул усталардан эди. Бир йил устозимдан кўнг билан ҳунар ўргандим. Кейин мустакил ишга ўтказилди. Ҳозир устозим пенсияда. Аммо заводда тез-тез келиб туради. Ҳар келганида ҳўахўволимни сўрайди. Янги муваффақиятларини ҳақида сўраб-сўраштиради. Охири мартабана келганда:

— Ишлар қандай ўтди, — деб сўради.
— Яхши, отахон.
— Бахтин бор экан Фозил, — деди у ўйчан оҳангда. — Менинги ёшим утайиб кўзим хиралашиб қолди. Ёлмасга ҳозир ҳам сизлар билан жон-жон деб бирга ишлардим. Бахтин бор экан, деганимнинг босси, сизлар барча иш автоматлашган бир пайтда ишлагансизлар. Шу тўғрисида турганда станоклар сизнинг измингизда. Ёзининг даврларда бўлиб станоклар қанда эди дейсиз?

Ҳақиқатан ҳам ўттинчи йиллар билан ҳозирги ишлар чинаршини асло таққослаб бўлмайди. Олдинлари биз фақат бирнечтагина детал асардик. Энди аса пахта териш машинаси учун керак бўлган ҳамма деталлар шу ерда тайёрланади.

Ешлик даври, комсомоллик йиллар ҳаётимда унутилмас нақоллариди. Мени — оидий ишчининг комсомол тарбиялари, ҳунар ўргатди. Барча қўйинчиликларини мардонзорлик билан енгитиш ундади. Оидий шогирдидан юзюри малакали слесарликка кўтарди.

Стахановчилик ҳаракати корхонамизга кенг ёйилишда ҳам комсомоллар билан коммунист

лар ташаббускор бўлган эдилар. Бу умумхалқ ҳаракатига мен ҳам ўз улумимни қўшиб учун жон қуйибди меҳнат қилдим. Стахановчилик ҳаракатига қўшилган ҳар бир ишчи кўнлик топириларини ошириб бажариш билан бирга ўз устида ишлаш, изланиш, малакасини тинмай ошириб бориш лозим эди. Комсомоллар ана шу йўлдан дадил интилдилар. Ишлаб чиқаришда ҳам катта ўзгаришлар тез бера бошладилар 1939 йили Коммунистк партия сафига кирдим.

Турмушимиз яхши, фаровон япаетганимизда фашистлар Ватанимизга хиёнаткорона ҳўжум қилди. Ҳамма фронтга, Ватан ҳўюмисига отланди. Шундай оғир пайтда ҳар бир коммунист ўзини кўрсатиши Ватан учун бир тан, бир жон бўлиб куралиши керак эди. Мен ҳам ҳарбий комиссарнатга бордим.

— Ишлавер, керак бўлсанг чакрмиз, — дейишди у ердангилар.
Қимирлаган жон, йигитман деган ҳар бир киши урушга кетди. Лекин ҳамма фронтга кетса, завод-фабрикаларда ким ишлайди? Заводимизда қишлоқ ҳўналис асбоб-ускуналари билан фронт учун ҳарбий проқа-аслаҳалар тайёрлана бошланди.

У кунлар завод оғир эди. Суткалаб завод чеккаларида қўлиб кетардик. Заводимизда асосий ишчилар ҳали мўйлови сабаб урмаган ёш йигитларга бўлиб қолди. Ватан ҳўюмис уларни ишлагани, ишлаганда ҳам мардонзор ишлагани ундилар. Бу лайтларда мен мастер эдим. Ешларга ҳунар ўргатардим, ҳам ўз нормамни бажардим.

Ҳозирги ёшлар билан сўхбатлашганимда ўша оғир уруш йиллари ҳақида сўзлайман-у, лекин у кунлар қайтмасин, дейман. Биз кўрдик, эндиги алоқ кўрмасин!

Мана, йигирма беш йилдан бери мастер бўлиб ишлайман. Шогирд эдим, устоз бўлдим. Заводимиз ҳам кеңиб юксалди. Эндиликда биз ишлаб чиқара-

ётган пахта териш машиналари бутун дунёга машҳур. Корхонамизда йили алоқ вақиллари меҳнат қилишяпти. Улар билан бирга ишлаш қандай ҳўзури!

Ҳар кун ишга барвақт келаман. Смена қабул қилиб, бугунги қилинган ишларнинг режасини тузаман. Иш бошлангунча қадар ҳар бир ишчи бутун нима иш қилишини олдиндан белгилла олам.

Аҳдлик бор жойда меҳнат интизомини оқиб бўлади. Шунинг учун оқиб, кватрал планларимизни ошириб бажараман. Сменамиздаги 52 ишчи бир кишидек бўлиб меҳнат қилди.

Батман сменасин ишчилари ичда меҳнат интизомини бузадиганлар ҳам учраб қолади. Бундайларни ишчиларнинг ўзи йўлга солиб қўйиладилар. Яқинда шундай бир ҳўдиса бўлди. Ёш ишчи Валерий Талов ишга кечиниб келадиган оид чиқарди. У билан яқма-яққа сўхбатлашди. Бу ноқўй ҳаракати барчага доғ бўлиб тушишини ўқтарди. Натичада у бу одатини ташладилар.

Мастер биринчидан ишчиларга устоз муаллим бўлиши керак. Ҳар бир ишчи мастериинг кўз олдида меҳнат қилиши лозим. Ишчининг ютуқ ва камчилигида мастериинг роли каттадир. Шунингдек, энг яқин маслаҳатчи, меҳрибон дўст бўлиш ҳам мастериинг буртидир.

Меҳнат қилган оид аяз, дейишди. Ёрининг бор оий мукофот Ленин ордени, кейин «Ҳўрмат белгиси» ордени билан тақдирландилар. Бир неча бор район ва паҳар Советларига депутат бўлиб сайландим.

Биз «Ташсөлмаш» заводининг тақрибани мастери Фозил Солихўжаев ҳаётининг айрим асфалларини тингладик, холос. Ёзининг қирқ йиллик умр дафтарини арақалган киши бутун ҳаётини, меҳнат ва билиминини ишлаб чиқаришни юксалтиришга бағишлаган ажойиб инсон фаолияти билан танишадилар.

Х. ТҲАЕВ.

Дунё хабарлари

КУБАДА БАЙРАМ

ГАВАНА, 18 май. (ТАСС). Куба халқи ўз тарихида тўб буринлиқ ясаган ер ислоҳоти тўғрисидаги қонун қабул қилинган кунининг 12 йиллигини таънабли ишонимомоқда. Ер-ислоҳоти эксплуататор синфининг ҳўждорлигини абадий тутатди ва социалистик қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб қўтатди, дейиладилар. «Грама» газетасининг бош мақоласида.

Бу қонун, деб ёзди ява газета, меҳнаткашларнинг ерга бўлган ҳўқуқини мустақамлади, қишлоқда камбағаллик, кешқоқлик ва ишсизликни тугатди.

КОСТА-РИКА КОММУНИСТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

САН-ХОСЕ, 17 май. (ТАСС). Коста-Рика халқ авангарди партиясининг XI съезди ўз ишнини давом эттирмоқда. Съездда партия Марказий Комитетининг Бош секретари Мануэль Мора Вальверде ҳисобот доклады қилди. Кейинги йиллар мобайнида партия эришган катта муваффақиятлар мамлакатдаги революцион, демократик ҳаракат ва касаб союҳ ҳаракатини мустақамлашга қўлашди. деди у. Имперализмининг ва ички реакционнинг қаршилик қарамай, деди бош секретарь, мамлакатда кенг миллий демократик фронтни янгилаш келтириш учун зарур шарҳларни бори. Коста-Рика муҳим структурани ўзгартилар даврнинг нозомда. Халқнинг имперализмга ва миллий олигархизмга кескин зарба бера олади, деб таъкидлади нотиқ.

РАСМИЙ ВИЗИТ

ЛОНДОН, 18 май. Расмий визит билан Англияга келган Италия Мудосфа министри М. Танаси бугун Мудосфа министри Лорд Каррингтон билан учрашди. Расмий вакилларнинг айтишича, бу визит НАТОда аъзо бўлган мамлакатлар ўрта-

ОЗОДЛИК АРМИЯСИНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ, 17 май. Жанубий Вьетнам халқ озодлик қўрбодли кучлари Тхиаххен вилоятининг Талонга районидан 10 майдан 13 майгача бўлган жанглар вақтида Сайгон қўғирчоқ армиясини деңиз пйеда аскарларидан 430 кишини сафдан чиқардилар.

7 та вертолётни уриб тўширдилар. Озодлик матбуот агентлигининг хабарига кўра, апрел оидида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Митхо вилоятида Америка — Сайгон қўйинчилирининг салман 1300 солдатини қириб ташладилар, жароҳатландирдилар ва асир қилиб олдилар. 18 та ҳарбий машинани мажаклаб ташладилар.

10 та немани гарқ қилдилар ва ёндириб юбордилар. 4 та вертолётни уриб тўширдилар, шунингдек, кўп миқдорда душманнинг ҳарбий аниомини қўлга тўширдилар.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР АРМИЯЛАРИДА

ПОЛЬША. Магнот пайтида. Ракета қурилмалари ўт очмоқда.

ЦАФ — ТАСС фотоси.



МУСОБАКА ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент обласк комитети обласк иккуня комитети ва касаб союҳлари обласк Совети Тошкент обласк шаҳарлари ва Тошкент шаҳар районлари саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари коллективларининг шу йилнинг биринчи кватралиданги социалистик мусобакаси якунларини кўриб чиқиб, обласк партия комитети, обласк иккуня комитети ва касаб союҳларининг кўчма Қизил байроқини АНГРЕН шаҳрида (шаҳар партия комитетининг секретари А. Ғ. ҒУЛОМОВ, шаҳар иккуня комитетининг раиси Н. И. ЮРИН ўртоқлар) қолдирдилар.

Шаҳар ва район партия комитетларига, шаҳар ва район иккуня комитетларига, касаб

союҳларининг обласк комитетларига Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз вагон ремонт заводи, Ленин ордени В. И. Ленин номли электрон техникаси заводи, Бекобдаги В. И. Ленин номли металлургия заводи, Тошкент лав-бўёқ заводи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Бўҳоро пахта тозалаш заводи, «Юлдуз» тикуччилик фирмаси коллективларининг янги беш йиллик ишчан мўддатини ялғари бажариш юксалиди бошлаган ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқуллаган ташаббусларини қўлаб-қувватлаш ҳамда кенг ёйиш тасвиси этилди.

Ҳамма жойда КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини омма ўртасида кенг тўшунти-

риш асосида съезд томонидан қабул қилинган тўққизинчи беш йиллик план топириқларини ва давлат планларини бажариш учун социалистик мусобакани авж олдириш лозим.

Бошлангич партия ва касаб союҳ ташкилотлари зиммасига коллективларнинг белгиланган топириқларини мўддатидан илгари бажариш тасвисида олиб бориладиган курашда бошчилик қилиш, партиянинг белгиланган улуғвор режаларини амалга ошириш учун бораётган умумхалқ ҳаракатида вужудга келган барча янгиликлар ва илгир усулларини меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйиш, бу катта ишда коммунистларнинг авангардик ролини таъминлаш ваъзифаси юқатилди.

ЛЕНИНЧИ АВЛОД БАЙРАМИ

БУГУН В. И. ЛЕНИН
НОМИДАГИ
БУТУНИТТИФОҚ
ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ
ТУГЪЛГАН КҮН

Мамлакатимиз пионерлари ўзларининг аянчанай байрамларига катта тарафда қўйди. Бу шодона байрамнинг пионер ва ўқувчилари ўқида ва жамоат ишларида яхши натижаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдидлар.

Эш авлодининг бу йили байрами В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллигига қизини ҳозирлик қўйиб қўйган бир пайтда нишонланмоқда. Юбилей тантаналари улуғ санъатга ўлаиб кетади.

Ўқида, юриш-туришда ва жамоат ишларида намуна бўлиш, оталар традицияларини давом эттириш ҳар бир совет пионерининг қатъий шiori.

Деярли ҳар бир мактабда ўқувчилар ташаббуси билан у ёки бу ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ойроқинида райондаги 30 ва 35-мактабда ўқувчиларнинг амалга оширган ишлари мактабга сазовордир. Ўлар Ўлуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳаётига оид ҳужжатларни тўплашди. «Оталар жасорати фарзандлар меъроси» деган сценарий ташкил этилди.

Чирчиқ шаҳридаги ўлка музейи ходимлари пионерларнинг жонқуралигидан хурсандлар. Шаҳар пионерлари музейи экизоциясини бойитиш мақсадида нодир экспонатлар тўплашга муваффақ бўдилар. Чирчиқлик жасур комсомолларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида жойларга экспедициялар уюштирилди. Бу изланишлар зое кетмади. Жасур комсомолларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қимматли ҳужжатлар тўпланди.

Ангрелик Ёш Ўлкашунослар археологик қидириш ишлари олиб боришда мутахассисларга қийиндан ёрдам бермоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институти ходимлари томонидан ўтказилган экспедицияларнинг муваффақиятли ақулинишида уларнинг катта ҳиссаси бор.

Бу йил республика пионерлари ҳаётида қатор қувончли воқеалар юз берди. «Доим бўла тайёр!» маршрuti бўйича экскурсия ва похотлар уюштирилди. «Зарница» ҳарбийлаштирилган ўқилар ўтказилди. Иккандор болаларнинг республика кўргазмаси очилди. Ёш Ўлкашунослар диққатга сазовор жойлар бўйлаб саёҳатда бўладилар.

Областимиз пионерлари ҳам келгуси йили нишонланадиган Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллигига муносиб ариунолар ҳозирлашмоқда. Чиндан ҳам шонли юбилей пионер ва ўқувчилар учун ўқида, ахлоқда ва жамоат ишларида етуклик имтиҳон бўлади.

ФУТБОЛ

МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК

«А» классы иккинчи лигаси бешинчи зонасида қатнашган Ўзбекистон командалари учун ўтган иккунда кунги тур муваффақиятсиз бўлди. Бешта вақилинидан бирини термизликлар ўйини дауран қилди. Ҳолос. Уларнинг Чимкент шаҳрида бўлган учрашувида ҳисоб очилмади. Қолган турт командами футболчилари майдондан бўйинларини энгич қилиб кетдилар. «Подстопдел»нинг «Пахтакор» стадионидан магдубиятин илгари хабар қилган эдик. Сафарда ўйнаган фарғоналиклар Челябинскнинг «Локомотив» командасига 0:2 ҳисобида ютқаздилар. «Зарафшон» ва «Янгйер» командалари эса Оренбург ва Магнитогорск шаҳарларида маҳаллий футболчилар билан бўлган учрашуларда ўз дарозаларидан биттадан тўп қўйиб юбордилар. Навбатдан тур эртага бўлади.



ДОИМ ТАПЕРМИЗ.

А. АБАЛЯН ФОТОТОҶИДИ.

КОЛХОЗДА КОНЦЕРТ

Яқинда Оққўрғон районидagi «Партия XXII съезди» колхоз клубида Муқимий номидаги драма ва комедия театрининг бир гурупа артистлари катта концерт қўйиб берилди.

Концертда ашула, рақс ҳамда спектакллардан парчалар кўрсатилди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Соиб Хўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан Бахтиёр Ихтиёр, Адиба Мирзаева, Толибжон Бадинов, артистлардан Мукаррамхон Ҳамроева, Муқаддасхон Каримова, Гулнора Абсаломова икки эгган ашула ва рақсдан томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Х. АВВАЛОВ.

Яқинда Бутуниттифоқ Халқ ҳўжалиги йутқилари кўргазмасида «Фан ва техника» қишлоқ ҳўжалигига» номли тематик павильон очилди. Кўргазмадаги энг катта бу павильондан Ўзбекистон ҳам муносиб ўрин эгаллаган.

Мана, қиёралик бир гурупа экскурсиячилар қишлоқ ҳўнар техника билим юртларини битирган талабалар суратларини диққат билан томоша қилишди. Ватанимизнинг бу машҳур кишилари орасида республикаимизнинг рабдор механизатори Ажиҳон Ескараев ҳам

Бутуниттифоқ кўргазмасида

бор. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советини депутатиди.

Нурота наслчилиги заводининг маҳсулотиди — ранг-баранг товланувчи қоракўл териси томошабинларни мафтун этмоқда. Шунингдек, Сурхондарёдаги Гагарин номи Давлат наслчилик заводининг турли хил қоракўл терилари ҳам кўргазмада келувчиларда катта қизиқш уйғотаётди.

Янги павильонда қишлоқ

ҳўжалик, мелiorация машиналари, чорвачилик фермалари ҳақида теллиа усқуналарининг 180 хил намунасини, икки мингдан ортиқ қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларининг қишлоқ ҳўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган 2500 турдаги мосламаларни кўриш мумкин.

Г. ДЕМИН, Москва.

ТАҚРИЗ

Жанговар сатрлар

Ўлуғ Ватан уруши йилларида поэзиямизнинг жанговарлиги ўзининг бор бўйи билан намоён бўлди.

Революция шоири Маяковский бу даврда жисман орамизда йўқ бўлса ҳам, унинг қудратли овози ўзи тирикчилигидан кўра баландроқ эшитила бошлади. Даҳшатли уруш ва фронтдаги шайқашлар жонгаварлик жанговарлик руҳида тарбияланган шоирларимизнинг юрагини тугъига келтирди. Ўзбек шоирлари ҳам жангнинг биринчи кунларида, бугун совет халқлари билан бирдмлик эълон қилдилар, ғалабага чорловчи оловли сатрлар яратдилар.

«Фашизм — одамзод учун қордоғ келди!» — деб ҳайқирган эди. Х. Олимжон урушнинг эртасига эълон қилган ўзининг «Ғалаба қўшиги» номили шеърида.

Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулום, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Ойбек, Миртемир, Амин Умарий, Ҳасан Пулат, Султон Жўра сингари кўп-кўп шоирларимиз халқни мардона курашга чақирувчи лирик-публицистик, сиёсий-фалсафий асарлар яратдилар.

Айниқса, ўттинчи йиллардан бери Маяковский мактабидан бошқа шоирларга қараганда чуқурроқ таълим олган Х. Олимжон, Ғ.

Ғулום, М. Шайхзодаларнинг шеърларида, новаторона қаифиётлар майдонга келди. Бу шоирларимиз шеърларида жанговарлик, маяковскийна эҳтирос, ёвуз душманга бўлган чексиз нафрат, адолатпарвар Совет ватанига бўлган чуқур садоқат яққол сезилиб турар эди.

Шайхзода Маяковский ижодиини тадқиқ этаркан, устозни шундай таърифлагани беиз эмас: «Маяковский — оддий — шоиргина эмас, йўлбошчи шоир; шеър раҳбари эди». (Янги шўвр ва шеър куралишчи» мақоласидан). Ҳа, йўлбошчи шоир! Маяковскийнинг тирик нафаси ҳар қадамда уфйриб турарди.

Ғ. Ғулום гоҳ маяковскийча эркин вазиде зинапоили, сатрларини бўлиган шеърлар билан майдонга чиқса, гоҳ традицион ўн бир ҳижода оловли сатрлар яратди. У ҳар икки ҳолда ҳам Маяковский поэзияси руҳини хос жанговарлик билан ҳайқирди.

Шайхзода билан Ҳамид Олимжон эса, уруш даврида асосан (шақлан қараганда) традицион шеърлар яратдилар. Маяковскийча кесма сатрлар, зинапоили мис-

ралар бу даврда бу икки шоир ижодида деярли учрамади. Лекин, шунинча қайта таъкидлаш керакки, гап фақат шақлда эмас, новаторлик, жанговарлик шеър мазмунида эди.

Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Қўлингга қурол ол!» шеърда шундай дейилган.

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча қонинг,
Керак бўлса номуе, виждонинг,
Бўсаинг йингит, бўлсанг ҳамки
чол.

Қўлингга қурол ол!

Мақсуд Шайхзода ўттинчи йиллардан бери худди Ғ. Ғулום, Х. Олимжон сингари Маяковскийнинг аналган шогирди сифатида уруш йиллари ва урушдан кейинги йилларда поэзиямизнинг салмоғига салмоқ қўшадиган тўлақонли асарлар яратди.

Шайхзода «Кураш нечун?», «Вёрлинда суд бўлгуси», «Қаипан Гастелло», «Генералининг хотираси», «Пўн, мен ўлган эмасман» каби шеърлари билан Ғ. Ғулום, Х. Олимжон сингари тенгдошлари қаторидан ҳақли равиш-

да жой олди. Маяковский ижодиини ҳам илмий-оммабо мақолада, ҳам бадиий ижода ўн илдан ортиқ тадқиқ этиш Шайхзодани камолот келтирди.

Эй буюн қизил чекда
Суворий дарвозабон,
Бў, асринг қиндигига
Етмасдан
Сен ва мен,
Яна бир қарра
Тўлар
Оҳангига ўйнаймиз
Яна бир қарра қонлар
Қозонида қайнаймиз,
(«Чегарачи», 1930 й.)

Шайхзода урушнинг биринчи кунлариде «Кураш нечун?» дей маяковскийна нидо қилди ва бошча бир шеърда «Вёрлинда суд бўлгуси» деб хулоса чиқарди. Шайхзода поэзиясига хос бўлган лирик-публицистик руҳ билан эмоционал-фалсафий руҳ уруш давридаги шеърларида ягона қудратга айланади. Шайхзода вазмин, ипшолчи овоз билан қуйлайди.

Марҳум шоирнинг қийда напш этилган ва уруш даври асарлари қиритилган таянган асарлар тўламини арақлар эканмиз, унинг янгрёқ овозини ана баралда эшитамиз. Бу янгрёқ овоз, одамларни ҳушёр бўлишга, она-Ватан мудофаасини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай хизмат этишга чорлайди.

Юсуф ШОМАНСУР.

ЖАНГЧИ ПЕДАГОГ

Номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олса арийдиган халқ маорифи фидокорлари пойтахтимиз мактабларида аячигина, Карим ака ана шу педагогларнинг тўнғич вақиларидан бири.

У 1932 йил Тошкент педагогика билим юртини битириб, 14-ўрта мактабда математикадан дарс берди. Ўлуғ Ватан уруш бошланган бир пайтда муаллим қабл арига кўра манфур душманга қарши жангга отланди. Карим ака аввал разведка бўлимида, сўнгра шарошна вазифасида хизмат қилиб, муқаддас туپургимизни душман изидан пок этишда актив қатнашди. Шавақатли, го-

либ Совет Армияси сафида аввал немис-фашист босқинчиларига, кейинчалик эса япон империалистларига қарши курашди.

Ватан унинг қаҳрамонликларини муносиб тақдирлаб, 2 та «Қизил Юлдуз» ордени, 8 шаҳарни душмандан озод этишда кўрсатган қаҳрамонлиги учун бир неча медаллар билан мукофотлади.

Ариядан қайтган, Карим ака яна жонажон касби — ўқувчиликни давом эттирди. 1946 йилдан то шу вақтгача Октябрь районидagi Ленин номи 28-мактабда илмий мудири ва ўқитувчи бўлиб ишлайпти. Унинг раҳбарлигида 7-а» синф

ўқувчилари ўтган ўқув йилида тўлиқ ўзлаштиришга эришиб, 8-синфга кўчган эдилар. Ҳозир мақсуд синфда бирорта ҳам уқувчи йўқ.

Карим аканинг синф ўқувчилари билан ўтказилган тарбиявий саатлари ҳамавақт жонли ва қизиқарли ўқимиз. У ёш авлодини ватанпарварлик, мардлик, жасорат, меҳнатсеварлик, дўстлик руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда.

— Ўқувчилар она тили ва айниқса арифметикадан бошлангич синфларда чуқур билим олсалар, юқори синфларда ўқиладиган мураккаб темаларини осон ўзлаштирадлар. Шунинг учун бутун чоралар билан

бошлангич таълимини яхшшлашга алоҳида эътибор бериш керак, — дейди таърибли педагог.

Ҳа, Карим ака Хўжаев халқ маорифини юксалтиришда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келган. Ҳамма ўқитувчида бўлганиде унинг ҳам шоирларини беҳисоб. Ўлар халқ ҳўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларида, раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилиб келмоқдалар. Ўқити Аҳмедов ТопШИ проректори, Турғун Хидоятон Ургенч касалхонасида таъини врач, Карима Қосимова эса педагогика билим юрти ўқитувчиси.

М. ҲАКИМОВА.

СПАРТАКНАДА: ГОЛБЛАР, ЧЕМПИОНЛАР

Ўзбекистон XV спартакнада-си программасига қиритилган мусобақалар қизини тус олмоқда. Республикаимизнинг 11 шаҳрида финаллар куч синаяшмоқда. Спартакнада-нинг мақбуот марказига кун сайин лигдан-янги хабарлар келиб турибди.

БАСКЕТБОЛЧИЛАР учрашуларни қўллаб томошабинларини ўзига жалб қилмоқда. Тошкент Армия спорт клуби аялди бўлаётган бу турнирда Тошкент шаҳри коллективлари ва областимиз вақиллари кутулганда муваффақиятлар қатнашмоқда. Аёллар турнирида Тошкентнинг иккинчи командаси «Сирдарё»ларини 71:

21 ҳисобида, эркаклар турнирида эса Тошкентнинг иккинчи командаси қашқадарёликларни 86:42 ҳисобида маглубиятга учратди. Тошкентнинг биринчи командаси қизлари областимиз вақилларини 89:43 ҳисобида етди. Эркаклар командалари ўртасида Тошкентнинг биринчи командаси Қорақалпоғистон баскетболчиларини 103:41 ҳисобида ютди.

ВОЛЕЙБОЛ турнирида ҳам тошкентликлар мукофотли ўринлар учун асосий даъвогар бўлиб туришмоли. Пойтахтнинг биринчи командаси аёллари наманганликларни 3:0 ҳисобида, эркаклар эса хоразмликларни 3:0 ҳисобида

енгдилар. Тошкент областининг аёллар, эркаклар командаларини ҳам дастлабки талабаларини ўз ҳисобларига энгич қўйдилар. Аёллар бухороликлар устидан 3:1 ҳисобида, эркаклар наманганликлар устидан 3:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

КҮЛ ТҶУПИ усталари мусобақаларни ақуладилар эркаклар командалари ўртасида ўринлар қийдагича тақсимланди: биринчи ўрин — Тошкентнинг биринчи командаси, иккинчи ўрин — Тошкентнинг иккинчи командаси, учинчи ўрин — Андижон область вақиллари, тўртинчи — самарқандликлар.

ЗАМОНАВИЙ БЕШ КУРАШ мусобақаларида турт турдан сўнг динамика спорт мастери М. Матюнина билан В. Ершов пешқадамлик қилишмоқда. Команда ҳисобида спартакнада биринчи ўринда боришмоқда.

ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАР Фарғона шаҳрида мусобақалашмоқда. Бу ерда Тошкент области вақили В. Лигай энг енгил вазиятлар орасида биринчилигин олди. Голбининг натижаси 280 килограммга тенг. Иккинчи ўрин ҳам областимиз полковнига тегди. Бу 265 килограмм оғирликдаги штангани уч машида забт этган Т. Қимдир. Пойтахтнинг биринчи командаси вақили Д. Аваков шу натижа билан учинчи ўринни олди. Ярим енгил вазили машҳур полков Эркин Каримов тошкентнинг биринчи ко-

мандаи составида қатнашмоқда. У 360 килограмм натижа билан рақибларидан анча ўзиб кетди. Иккинчи ўринга областимиз вақили А. Югай (325 килограмм) олди. Оғир атлетика баҳсида ўзбекистонлик ўринлари — қуйидагича тақсимланди: 1 — Тошкент области, 2 — Тошкентнинг биринчи командаси, 3 — Фарғона, 4 — Тошкентнинг иккинчи командаси, 5 — Самарқанд, 6 — Бухоро.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА мусобақаларида 4X100 метрга эстафетали югуриш ва 1500 метрга (усмирлар) югуришдан кейин Тошкентнинг биринчи командаси 83 очко билан олдинда бормоқда. Бухороликлар ҳам қобилиятли енгил атлетикачиларга эга эканликларини намойиш қилмоқдалар. Ўлар ҳозир иккинчи ўринда боришмоқда.

мандаи составида қатнашмоқда. У 360 килограмм натижа билан рақибларидан анча ўзиб кетди. Иккинчи ўринга областимиз вақили А. Югай (325 килограмм) олди. Оғир атлетика баҳсида ўзбекистонлик ўринлари — қуйидагича тақсимланди: 1 — Тошкент области, 2 — Тошкентнинг биринчи командаси, 3 — Фарғона, 4 — Тошкентнинг иккинчи командаси, 5 — Самарқанд, 6 — Бухоро.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА мусобақаларида 4X100 метрга эстафетали югуриш ва 1500 метрга (усмирлар) югуришдан кейин Тошкентнинг биринчи командаси 83 очко билан олдинда бормоқда. Бухороликлар ҳам қобилиятли енгил атлетикачиларга эга эканликларини намойиш қилмоқдалар. Ўлар ҳозир иккинчи ўринда боришмоқда.

Б. ДАМИНОВ, (ТАСС мухбири).

Боқу.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаханаси Тошкент шаҳри.

№ А-1751. Р-03371.

ИНДЕКС — 64697.

Реклама
ВА
Экспонаты

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ТОПГАН КҮН.

18.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТИДИ

19.00 — Кўрсатувлар програм-

маси, 19.05 — «Ахборот» инфор-

мацион программаси (рус тили-

да), 19.15 — «Янгра, барабан!»

(В. И. Ленин номидаги пионер

ташкилоти ташкил топган кунга

бағишланган кўрсатув (Ўзбек ва

рус тилларида).

Ўзбек тилида: 20.00 — Милли-

онлар ленинча университети,

20.15 — «Ахборот» инфорацион

программаси.

МОСКВА КУРСАТИДИ

20.30 — Рағбат телевидение,

«Каердасан» (телевистеласи),

22.00 — Футбол бўйича СССР

биринчилиги, «АРРАТ» (Ереван)

— «КАРАТ» (Олимпиада), Ўзин-

нинг иккинчи тайми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТИДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — Ёзувчи

ва беш йилли, 21.00 — Ўзбек-

кистон XV спартакнадаси кунда-

лиги, 21.25 — Юри Екубов номи-

даги Ўзбек Давлат филармония-

си. Хор капелласининг концерти,

22.05 — «Ишонинг, менга одам-

лар» (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТИДИ

Ўқув кўрсатувлари

ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 18.00 — 8-10-

синф ўқувчилари учун. Эстетика

ассослари, «Санъатда шакл ва

мазмун», 18.40 — 10-синф ўқув-

чилари учун. Жамиятшунослик.

«Коммунизм моддий-техника ба-

зосини яратилишнинг асосий йў-

лари», 19.20 — Ўқитувчилар учун

консултациа, 20.00 — «Қодада

йловчи қавзалик» (телефильм),

21.00 — Ўзбекистон симфоник

оркестри солистлари ижросида

концерт, 21.50 — «Икки мартали

куршов» (бадиий фильм).

НАВОИЙ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ. ДА — 19/У да Дон Жуан, 20/У да Аида.

ХАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/У да Алжонларини, 20/У да

Олтин девор, 21/У да Персона.

МУҚИМНИ НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/У да Жон қизлар, 20/У да Ме-

нинг жаннатини, 21/У да Кумуш

тўй.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Самурайлар байроғи (2 серия)

— «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА»,

«СПУТНИК» (кундуз ва кечурун),

«ВОСТОК» (эрталаб соат

1